Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 139 (21. 238) 1992 йил 16 июль, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ·

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИДА ШУНДАЙ ДЕБ ТАЪКИДЛАДИ:

«МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА ЭРК БЕРИЛАДИ, ШАХСИЙ ТАШАББУС ВА ИШБИЛАРМОНЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛАДИ. АЙНИ ЗАМОНДА ЛОҚАЙДЛИК, ТАНБАЛЛИК КАБИ ИЛЛАТЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ИШЛАГАН ОДАМ ХОР БЎЛМАЙДИ.»

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 14 июль куни Швейцариядаги «Штахель хардмайер» компаниясининг раҳбари Оливер Штахель билан Италиядаги «Супер-райфл» компаниясининг бошлиғи Коррадо Фратинини қабул қилди.

Самимий, дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Ғарбий Европадаги шу мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув чоғида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма саноат корхоналари барпо этишга алоҳида эътибор берилди. Ислом Каримов бундай корхоналар тенг ҳуқуқлилик ва тенглик асосида барпо этилиши лозимлигини ҳамда уларнинг фаолияти учун республикада барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъкидлади.

Жумладан, жинси газлама ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очиш тўғрисида гап борди. «Супер-райфл» фирмаси бир йилда 6,5 миллион метр шундай газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳларни етказиб беришга тайёр. Ҳисобларга қараганда, бу миқдорни икки йил ичида икки баравар кўпайтириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон—Италия савдо уйини ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унинг тижораткўргазма павильонларида Италия ва Ўзбекистон фирмаларининг маҳсулотлари намойиш қилинади, ёйма ва улгуржи савдо ўтказилади. Шу асосда ўзаро манфаатли битимлар тузиш мумкин бўлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Швейцария кредит банкининг иштироки тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Суҳбат охирида меҳмонлар самимий қабул қилгани, ошкора ва фойдали фикрлашгани учун республика Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Т. Султонов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ғалла— ризқ-рўзимиз

БАРАКА-АҲИЛЛИКДА

Эрта баҳордан ҳавонинг паст келиши деҳқон учун анча қийинчиликларни вужудга келтирди. Бироқ деҳқон ҳам бўш келгани йўқ. Мана энди дастлабки ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Омборлар донга тўляпти.

Косонсой районидаги «Янги ҳаёт», Чуст районидаги «Шербилак» жамоа хўжаликлари шу йилнинг эрта баҳорида ташкил бўлган. Яъни уларнинг ҳар иккиси ҳам эски хўжаликлар таркибидан ажралиб чиққан. Хўш, бу хўжаликларда ғалла ўрими қандай?

— Илгариги танг аҳволдан қутуляпмиз, — дейди «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, тажрибали деҳқон Абдумажид Каримов. — Куни-кеча ғаллани ўриб бўлдик. Бу борадаги белгиланган режа 120 фоиздан ошиб кетди. Ҳар бир оилага 200 килограммдан дон беришни бошладик. Имкониятимизга қараб яна қўшимча тарқатамиз. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Булоқбоши, Кўктош, Оқтепа қишлоқларига қисқа вақт ичида телефон линияси тортиш ва бошқа қатор ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу қишлоқларда бўш ётган бинолар таъмирланиб, тикувчилик, рўмол ва гилам тўқиш цехлари ташкил этилди.

— Эндиликда уй меҳнатини ташкил қилишга киришяпмиз. Дўппи, кўрпача, чойшаб тикишни йўлга қўйяпмиз. Хуллас, ҳаммани иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Халқимиз меҳнаткаш. Уларга имконият яратиб бериш керак, холос. Оддий бир мисол. Май байрами арафасида ёшу-қари ҳашарга чиқди. Хўжалигимиз учун янги товуқхона қурилди, электр линияси ҳашар йўли билан тортилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда ўша куни 300 минг сўмлик иш бажарилибди. Ҳозир типовой машина-трактор парки, болхона, омборхоналарни ҳам ҳашар йўли билан қуришга киришдик.

Айни пайтда «Шербилак» жамоа хўжалигида ғалла ўрими қизғин бормоқда. Олтиндай товланиб турган буғдойзорлардаги комбайнлар овози қулоқни қоматга келтиради. Биз коллектив пудрат етакчиси Мамажон Оқилов, Ғуломжон Ҳамроев, Ҳабибулло Қаландаров, Файзираҳмон Йўлдошевлар билан суҳбатлашдик.

— Ғалламиз бор — кўнглимиз тўқ. Халқимиз ун маҳсулотларига муҳтож бўлмайди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуғаффор Йўлдошев, — 93 гектар тошлоқ адр ерга буғдой экканмиз. Ҳосилдорлик кутилганидан зиёда. Ҳисоб-китобларга қараганда аҳолига берганимиз, давлатга сотганимиздан ташқари хўжалигимизда 300 тонна буғдой қолади. Ҳаммасини ун қилиб, омборга қўямиз ва йил давомида аҳолига бериб борамиз.

Хўжаликда ишлар ёмон эмас. Бунинг боиси одамлар аҳил, уюшқоқлик билан иш олиб бормоқдалар. Зотан, барака ҳикмати ҳам аҳилликдадир.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПЎЛАТ ПРОКАТЛАР— ЧЕТ ЭЛГА

● Ўзбекистон металлургия заводи иккинчи навли прокатлар цехи жамоаси прокатнинг катта туркумини Японияга жўнатди.

Ҳозир бекободликлар маҳсулоти республикадан ташқарида ҳам машҳур. МДҲдаги бошқа мамлакатларга прокат етказиб берилмоқда. Цех маҳсулотининг ўн фоизи битимга мувофиқ «олис мамлакатларга» жўнатилмоқда.

Цех ҳар йили ўнлаб турдаги юз минглаб тонна прокат ишлаб чиқаради.

Металл парчалари етиш маслиги сабабли завод қувватининг 60 фоизи ишлатилаётган бўлса ҳам, маъмурият ходимларни қисқартирмоқчи эмас. Бу ерда вазият яхшиланади ва мутахассислар жуда зарур бўлиб қолади, дейишмоқда. Цехда Ғ. Иброҳимов, М. Пўлатов, А. Сухов, слесарлар бригадири Э. Пя каби ўз ишининг моҳир усталари ҳақли равишда обрў-эътибор қозонганлар.

Сўнгги вақтда навли прокат тайёрловчилар турли шаклдаги пўлат прокатларнинг ўнлаб янги турларини ўзлаштирдилар. Металлни қиздириб тоблаш технологияси пухталаштирилмоқда. Йил охирига бориб истеъмолчилар механик хоссалари яхшиланган прокатларни ола бошлайдилар.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАЙРАМ КУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тарихан таркиб топган миллий анъаналарга асосланиб, демократизм, инсонпарварлик қоидаларига ёндашган ҳолда ва фуқаролар ўртасида тотувликни ва марҳаматлиликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Қуйидаги кунлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида байрам (дам олиш) кунлари деб белгилансин: 1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни, 21 март — Наврўз байрами, 9 май — Ғалаба куни, 1 сентябрь — Мустақиллик куни, Рўза ҳайит (Ийд ал Фитр)нинг биринчи куни ва Қурбон ҳайит (Ийд ал Адҳа)нинг биринчи куни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1971 йил 17 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлари кодексининг 77-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1971 йил, № 32, 494-модда) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«77-модда. Байрам кунлари

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда қуйидаги байрам кунларида ишланмайди:

1 январь — Янги йил;
8 март — Хотин-қизлар куни;
21 март — Наврўз байрами;
9 май — Ғалаба куни;
1 сентябрь — Мустақиллик куни;
Рўза ҳайит (Ийд ал Фитр) байрамининг биринчи куни;
Қурбон ҳайит (Ийд ал Адҳа) байрамининг биринчи куни».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

ЧОРВА ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ем-хашак, ёқилғи ва ускуналарнинг нархи ошганлиги муносабати билан, шунингдек, республика жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришдан манфатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳокимликлари ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1992 йил 16 июлдан сўйилган вазндаги бир тонна чорванинг харид нархларини ўрта ҳисобда 80000 сўм ва бир тонна ёғли сутнинг нархини иловага мувофиқ 5000 сўм белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олинган таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорва ва сут янги харид нархларининг прейскурантларини бир ҳафта муддат ичида манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. «Пахта хом ашёси, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги 152-сон қарори 1-бандининг 4-хатбошидаги «қорамол, чўчқа, қўй ва эчкилар, сут» сўзлари олиб ташлансин.

Бош вазир

А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 июль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

чорва ва сутнинг чекланган харид нархлари (ўртача нархлар) (бир тонна учун сўм ҳисобида)

	йўсилган вазнда	тирик вазнда
ЧОРВА		
Қорамол	82460	39500
Чўчқалар	68660	41500
Қўй ва эчкилар	92560	36700
Отлар	76700	39500
СУТ		
Ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлганда (базис)		5000
Ёғлилик даражаси 3,5 фоиз бўлганда		4860
Ёғлилик даражаси 3,7 фоиз бўлганда		5140

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИГА

Қадрли рўзнома ходимлари! Бозор иқтисодиёти шароитида қийин аҳволга тушиб қолганлигингизни кўриб турибмиз. Лекин йиллар давомида халқимиз билан бақамти, ҳамдард яшаб келган отахон рўзноманинг қадр-қимматини жойига қўя биламиз. Сизлар бундан кейин ҳам халқнинг орзу-армонлари, ниятлари, муаммолари билан яшайсизлар, деган умиддамиз. Шу ишонч билан куни кеча рўзномага йилнинг қолган даври учун обуна бўлдим ва келаси йил ҳам унга албатта ёзиламан. Хўжалигимиздаги бошқа чўпонлар ҳам мендай йўл тутганликларини маълум қилмоқдалар.

Абдураҳмон БЕКМУРОДОВ,
Нуробод туманидаги «Улус» давлат хўжалиги бош чўпони, ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг аъзоси.

● БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ПОЙАБЗАЛЧИЛАР ТАШВИШИ

● Бундан роппа-роса бир ярим йил илгари Ғиждувон шаҳрида пойабзал ишлаб чиқарадиган фабрика иш бошлаган эди. Ўшанда фуқаролар орзу қилган умидларига —болалари оёғи пойабзалга ёлчишига ишонган эдилар. Дарвоқе, корхонада энг сифатли маҳсулот баҳоси 19 сўмдан ошмасди. Савдо дўконлари пештахталаридан фабрика маҳсулотлари жой олгач, бошқа турдош корхоналар маҳсулотларига бўлган талаб ҳам камайганди. Хўш, ҳозир ҳам шундайми? Фабрика директори Субҳон Тотамов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Фабрикада ҳар йили 800 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш режалаштирилган. Дастлабки ойларда иш илгарилаб кетди, чунки таъминот ҳам яхши, қолиплар ҳам шунга яраша эди. Шу боис, ўтган йил режалари ошириб бажарилди. Бу йил эса бозор иқтисодиёти муаммолари кўпчилик қатори бизни ҳам ташвишга солиб қўйди, — деди директор.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё асосий омил ҳисобланади. Хом ашёсиз ҳеч иш қилиб бўлмайди. Амалдаги йилда корхонага Самарқанд кўн заводи 10 миллион квадрат дециметр чарм етказиб бериши керак, эди. Бироқ қарийб ярим йил мобайнида атиги 2 миллион квадрат дециметр чарм олинди, холос. Ушбу хом ашё пойабзалнинг устки қисми учун ишлатилади. Бундан ташқари, астарлик ҳам керак. Ў эса етишмаяпти.

Собиқ СССҒнинг тарқалиб кетиши ҳам хом ашё таъминотига жиддий таъсир кўрсатди. Фабрика илгари Россиянинг Армавир қолип тайёрлаш заводи билан ҳамкорлик қиларди. Ҳозир эса ҳамкорлик бутунлай узилиб қолди. Бунинг устига хом ашё нархи кўтарилиб кетди. Ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар нархи ҳам тўрт-беш бараварга ошди. Бугунги кунда бир жуфт болалар оёқ кийими 78 сўм туради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: районда кўп болали оилалар талайгина. Уларни йилнинг барча мавсумларига мос кийинтириш керак. Лекин бунга ҳамманинг ҳам қуроби етавермайди. Ҳозир савдога чиқарилмаган 140 минг жуфт пойабзал омборда турибди. Сабаби — нархи баландлиги учун талабгорлар йўқ. Шундай бўлгач, муаммолар устига муаммолар тўпланяпти. Албатта, биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилишга интиляпмиз.

Агар хом ашё ва қолип етарли бўлса, фабрика аҳли ҳар ойда 65 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқара олади. Бугунга келиб, бу миқдор 26—35 минг жуфтни ташкил этаётир. Цехларни қайта реконструкциялаш жадал давом этмоқда. Яқинда катта ёшдагилар пойабзали ишлаб чиқарадиган цех иш бошлайди.

Энг муҳими, инқироз хавфи бўлса-да, ишчиларимиз тушкунликка тушишгани йўқ. Улар ёруғ кунларга умид боғлаб, меҳнат маромини сусайтиришмаяпти. Шуҳрат Адизов, Баҳодир Тошев, Озода Ҳасанова, Қаҳрамон Сиддиқов, Масуда Ҳасанова, Гулшан Садриева сингари пойабзалчилар сифатли маҳсулот тайёрлаб, ҳамкасблари эътиборига сазовор бўлишмоқда.

Ишчилар ҳозир 1200—2000 минг сўмгача ойлик маош олишяпти. Клуб, тиббиёт пункти, ошхона ишлаб турибди. Яқинда 190 ўринли болалар боғчаси фабрика меҳнаткашлари фарзандларини ўз бағрига олди. 40 оилага мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳам жадал борянти.

Афсуски, бозор иқтисодиёти билан юзма-юз келиниши корхонада ишчи ўринларини қисқартириш хавфини туғдиряпти. Фабрика маъмурияти ички имкониятлар ҳисобига бу муаммони ҳам ижобий ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Д. ВАҲРОНОВ.

ДАДИЛ БЎЛИНГ, ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

Ҳозирги алғов-далғовли замонда, пул тобора қадрсизланиб бораётган пайтда тер тўкиб йиққан маблағингизни гилам тагида ёки кўрпа қатида сақлаган яхшими ёки бирон фойдали ишга сарфлаган маъқулми? Масалан, заём сотиб олган афзалми?

БИЗ АФЗАЛ, ДЕЙМИЗ. Чунки, ундан ҳеч ким ютқазмайди. Бу тадбирни ҳукуматимиз фақат халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширмоқда. Маблағ республика иқтисодиётини ривожлантиришга, энг муҳими — одамларни иҳтиёрий ҳимоя қилишга сарфланади. Омадингиз келса (бунга аминмиз — негаки, ҳар уч заёмдан бирига ютуқ чиқади.) ойлавий бюджетингизга салмоқли қўшимча қўшилади.

СЕЗИБ ТУРИБМИЗ: айримларингиз давлат бизни яна алдаши мумкин, деб ҳадиксираяпсиз, Тўғри, бир марта оғзи куйган одам совуқ сувни ҳам пуфлаб ичади. Аммо бугун вазият бошқа, Ўзбекистон энди мустақил республика. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎЗИ ПУЛЛАРИНГИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВА ПУХТА САҚЛАНИШИГА КАФОЛАТДИР.

30 июль — биринчи тираж ўйналадиган кун. ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ. Жамғарма банклари хизматингизга тайёр!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 1992 ЙИЛ 3 АПРЕЛДА ЧИҚАРГАН 164-СОН ҚАРОРИНИ ҚИСМАН ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА

Республикага етказиб берилаётган озиқ-овқат моллари ва ёнилғи манбалари анча қимматлашганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1992 йилнинг 16 июлидан айрим озиқ-овқат моллари чакана нархларининг чекланган миқдорлари иловага мувофиқ белгиласин.

Парранда гўштини харид қилиш ва сотишда 1992 йилнинг 16 июлидан шартнома нархларига ўтиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

«Пахта хом ашёси, пилла ва чорвачилик маҳсулоти харид нархларини ҳамда пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги 152-сон қарори 1-бандининг 4-хатбошидаги «парранда» сўзи олиб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги озиқ-овқат маҳсулотлари чекланган чакана нархларининг ушбу қарорга иловага мувофиқ белгиланган янги прейскурантларини, шунингдек, қайта нарх белгилаш тўғрисидаги кўрсатмаларни жуда қисқа муддатларда манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига етказсин.

3. Корхоналар ва ташкилотлар ушбу қарорга иловада кўрсатиб ўтилган маҳсулотларнинг 1992 йил 16 июлгача бўлган қолдиқларига қайта нарх белгилаб, нархларни оширишдан тушган маблағни бюджетдан ташқари 746-ҳисобга ва ўз оборот маблағларини ўстиришга ўтказсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида чекланган чакана нархларда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи нархларини қайта кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 апрелдаги 164-сон қарорига илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Бош вазир
А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 июль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРЛАРДА БЕРИЛИБ, АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, СТУДЕНТЛАР, МАКТАБ ОШХОНАЛАРИ ВА БУФЕТЛАРИ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ ЎРТАЧА ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Ўлчов бирлиги	чакана нарх (ҳар бир бирлик учун сўм ва тийин ҳисобида)
Қолипда (олий, 1-нав ва қора ундан)* пиширилган нон	кг	5
ун	кг	6
Макарон	кг	11
Гуруч	кг	15
Ўсимлик мойи	кг	10
Чой	кг	80
Қанд-шакар	кг	15
1-тоифа барча турдаги, 1-нав (парранда гўштидан ташқари) гўшт	кг	60
Сут (қаймоғи олинмаган)*	л	4,0
Ёғлилиги 25 фоиз бўлган қаймоқ *	кг	50
Тухум	10 дона	25
Кир совун	донаси	5

*) нон, сут ва қаймоқ учун бериладиган меъёрлар белгиланмайди.

ЭСЛАТМА: маҳсулот етиштириш жами харажатларига асосан маҳсулот тайёрловчилар учун сариёғнинг чекланган улгуржи нархи 120 сўм белгилансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

1991 йилнинг апрелида собиқ СССР ҳудудида чакана нархлар ислоҳ қилинган пайтда бошқа республикалардан фарқли равишда Ўзбекистонда ун, нон, нон маҳсулотлари ва макаронларнинг давлат чакана нархлари оширилмаган эди. Ўша пайтда бошқа барча республикаларда уннинг чакана нархлари ўрта ҳисобда 3,4 баравар, ноннинг чакана нархлари 2,9 баравар оширилган эди.

1992 йилнинг январида МДҲнинг бошқа давлатлари асосан эркин нарх белгилашга ўтганлиги, табиийки, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир этмай қолмади, чунки республикамиз озиқ-овқатнинг дон, гўшт, сарёғ, сут маҳсулотлари, қанд-шакар, чой ва шу сингари бошқа баъзи асосий турларини ташқаридан келтиради.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш, маҳсулот тайёрловчиларнинг хом ашё, ёқилғи ва ускуналарга тобора кенг кўламда ўсиб бораётган харажатларининг ҳеч бўлмаганда бир қисмини қоплаш учун республикамизда шу йил 16 июлдан бошлаб чорва ва сутнинг харид нархлари, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларининг чакана нархлари оширилди.

Шунга қарамай озиқ-овқат маҳсулотлари кўпгина асосий турларининг чакана нархлари бугунги кунда Ўзбекистонда МДҲ бошқа республикалари шаҳарларидагига қараганда арзон эканлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭНГ МУҲИМ ТУРЛАРИ НАРХЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛ 10 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ (СЎМ ВА ТИЙИН ҲИСОБИДА)

	Ўлчов бирлиги	Тошкент*	Москва	Олмаота	Киев	Минск	Бишкек
Ун	кг	6—00	12—50	6—10	25—00	6—90	17—00
Олий нав нон		5—00	12—00	3—15	6—00	4—30	8—80
Макарон		11—00	20—00	16—00	30—00	16—50	16—00
Мол гўшти		60—00	85—00	95—00	95—00	55—00	65—00
Ўсимлик мойи		10—00	45—00	65—00	10—20	35—00	70—00
Гуруч		15—00	42—00	19—80	50—00	50—00	28—00
Қаймоқ		50—00	60—00	86—00	60—00	17—00	46—00
Сут	литр	4—00	9—00	7—50	12—00	2—80	2—30
Тухум	10 дона	25—00	28—00	38—00	26—00	26—00	18—00
Қанд-шакар	кг	15—00	70—00	60—00	50—00	50—00	8—00
Чой	кг	80—00	200—00	110—00	450—00	210—00	240—00
Кир совун	донаси	5—00	12—00	7—00	7—00	9—00	7—00

* 1992 йил 16 июлдан

Газетхонларнинг эътиборини ушбу жадвалдаги қуйидаги ҳолатга: Тошкентда ун ва нонинг нархи МДҲнинг дон кўпроқ етиштирилаётган давлатлари пойтахтларидагига нисбатан анча арзонлигига қаратишни истардик. Ўзбекистон эса озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпгина турлари сингари доннинг асосий қисмини ҳатто янги оширилган нархлар шароитида ташқаридан келтириб, бюджетдан қўшимча маблағ ажратишга мажбур бўлмоқда.

ЧЕКЛАНГАН НАРХЛАРДА СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИГА АЖРАТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ (ДОТАЦИЯ)

(сўм ва тийин ҳисобида)

	Ўлчов бирлиги	маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсулот бирлиги учун ўртача улгуржи-ажратма нарх	аҳолига маҳсулот бирлиги учун чекланган чакана нарх	маҳсулот бирлигига бюджетдан қопланадиган қўшимча маблағ (савдо-сотув чегирмасини ҳисобга олиб)
Ун (кг)		13—20	6—00	7—99
Нон (кг)		13—13	5—00	8—83
Макарон (кг)		24—70	11—00	15—57
Гўшт (кг)		111—10	60—00	54—04
Гуруч (кг)		23—20	15—00	10—45
Қанд-шакар (кг)		38—90	15—00	25—55
Ўсимлик мойи (кг)		18—00	10—00	10—41
Чой (кг)		220—00	80—00	152—00
Кир совун (донаси)		10—97	5—00	6—32

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтилган озиқ-овқат маҳсулотларининг янги нархлари шароитида ҳам республика бюджетидан иккинчи ярим йилликнинг ўзидагина салкам 37 миллиард сўм дотация ажратиш зарур.

Нархларни маҳсулотларни етиштиришга амалда сарфланадиган харажатларнинг учдан бир қисми даражасида сақлаб туриш учун бюджетдан ана шунча маблағ тўлашга тўғри келади.

Ўзбекистонда аҳолини нарх-наво оширилишидан олдиндан ҳимоя қилиш сиёсати қатъият билан ўтказилаётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Маълумки, шу йилнинг 1 июлиданоқ иш ҳақи 1,8 баравар оширилди, энг кам иш ҳақи эса 550 сўмдан 1000 сўмга етказилди. Бунинг учун қариб 23 миллиард сўм миқдоридаги қўшимча маблағни қидириб топиш талаб этилади.

Бугунги кунда биздаги 1000 сўмни ташкил этадиган энг кам иш ҳақига қанча миқдорда аниқ моллар харид қилиш мумкин, деган оддий саволга берилган жавобдан нарх-наво ва иш ҳақи ўртасидаги нисбатга яққол ва ишончли таъриф бериш мумкин.

Республикамиз аҳолиси учун анъанавий ва ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни, ун, нон, ўсимлик мойи, қанд-шакар, чой бўйича ана шу нисбатни кўриб чиқамиз.

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИГА ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН БЎЛГАН АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МИҚДОРИ

	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Украина	Беларусь	Қирғизистон
Ун	кг	166	72	98	36	145	21
Нон		200	75	190	150	229	40
Ўсимлик ёғи		100	20	9	88	29	5
Қанд-шакар		67	13	10	18	20	44
Чой		12,5	4,5	5,5	2	4,8	1,5

Дон, ун ва қанд-шакар деярли бутунлай МДҲнинг бошқа минтақаларидан ва чет эллардан келтирилаётганига қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти, ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, бу соҳада ҳар томонлама пухта ўйланган ва ижтимоий жиҳатдан аниқ мақсадга қаратилган сиёсат ўтказмоқда. Бу йўналишдаги ишлар бундан буён ҳам давом эттирилаверади.

Энди чорва, сутнинг харид нархлари тўғрисида. Озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархлари оширилиши билан бир вақтда сўйилган чорванинг харид нархлари солиштирма нархларда 1 килограмм учун ўрта ҳисобда 58 сўмдан 80 сўмга, сутнинг 1 килограмми 3,7 сўмдан 5 сўмга оширилди.

Чорва ва сут нархининг оширилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари ва энг аввало, бизда етишмаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини янада кучайтириш зарурати билан боғланган. Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим: қишлоқ аҳолиси 1 килограмм сўйилган гўштни ўрта ҳисобда 80 сўмдан давлатга сотади, магазинда эса ана шу гўштнинг 1 килограмми 60 сўмдан чакана нархда сотилади. Сут сотишда ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин: 1 литр сутнинг харид нархи 5 сўм, чакана нархи эса 4 сўм. Мана шуларнинг ҳаммасига жорий йилнинг иккинчи ярмида республика бюджетидан 2 миллиард 340 миллион сўм дотация ажратиш талаб этилади.

Ёки минтақамиз учун қимматли маҳсулотлар бўлган ун ва нонни мисол қилиб олайлик. Озиқ-овқат дони ва унни республика асосан четдан келтираётгани, айни пайтда уларнинг анча қисми эркин муомаладаги валютага олинаётгани муносабати билан уннинг ўртача улгуржи-ажратма нархи бир килограмм учун 13 сўм 20 тийинни ташкил этди, чакана нархи эса 6 сўм қилиб белгиланди. Айни пайтда 1 килограмм ёпилаётган нон 13 сўм 13 тийинга тушмоқда, унинг чакана нархи эса ўрта ҳисобда 5 сўм белгиланди. Шу йилнинг иккинчи ярмида ана шу маҳсулотларга ажратиладиган дотация таҳминан 17 миллиард сўмни ташкил этади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг чакана нархлари ва чорвачилик маҳсулотининг харид нархлари оширилганининг асосий сабаблари ана шундан иборат.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Термизда Сурхондарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда «Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунлари ва Ўзбекистон Олий Кенгаши унинчи сессияси хулосаларидан келиб чиқадиган вазифалар» тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Х. Бердиев шу ҳақда сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

●

Урганчда Хоразм вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясининг якунлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, парламентнинг сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва бирлашмаларига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси муҳокама қилинди. Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров нутқ сўзлади.

(ЎзА)

●

Қарши, 15 июль («Ўзбекистон овози» мухбири). Бугун Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши ўнинчи сессияси якунлари ва вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Т. П. Хидиров маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов қатнашди.

М. КАРОМОВ.

• Алақа ва почта хизмати муаммолари

Узоқ йиллар давомида алоқа ходимлари халқимизга алоқа хизмати кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, мушкулини осон этиб келди. Ҳатто ҳозир ҳам хат-хабарлар, почта жўнатмалари, кундалик матбуот нашрлари арзон нархларда буюртмачиларга етказиб бериляпти. Масалан, бизнинг Чироқчи район почта алоқаси боғлами (узели) ўтган йили 1992 йил учун вақтли нашрларга 494 минг сўмлик обуна қилиб, 46 минг сўм даромад олди.

КИМНИНГ ХИЗМАТИ АФЗАЛ

Бироқ шу йил охиригача почта жўнатмалари ҳамда матбуот нашрларини ташиб келтириш ва эгаларига етказиб бериш учун район алоқа боғлами 1 миллион сўмдан ортиқ харажат қилиши керак бўлаяпти. 1992 йил 1 апрелидан бошлаб эса почта ва телефон алоқаси тармоқлари алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатмоқда. Шу пайтгача бу икки тармоқ бир бутун бўлиб, бир-бирини тўлдириб келарди. Ҳозир эса деярли ҳамма районларда почта алоқасининг даромадлари харажатларни қопламай қолди.

Очиғини айтганда, почта алоқасининг бугунги кундаги молиявий аҳволи кундан-кунга мушкуллашиб бормоқда. Бунга сабаб — эски Иттифоқ тугатилгандан кейин республикаларо алоқалар доираси торайиб кетди. Почтанинг асосий даромад манбаи бўлган пенсия ва нафақалар тўлови хизмат ҳақи ҳам қисқарди. Мана, ярим йилдан буён амалга оширилаётган купон тарқатиш учун эса алоқачиларга ҳеч вақо тўланмаяпти.

Бу ҳам майли. Ўтган йилдан бошлаб бизнинг хизматимизда «рақобатчилар» пайдо бўлди. Яъни, ижтимоий таъминот бўлимлари қошида кичик корхоналар ташкил этилди. Улар илгари алоқачилар бажарган хизматларни таклиф этишди. Гўё уларнинг фаолияти ҳар томонлама фойдали бўлиб, иқтисод қилинган пулларни ночор яшайдиган фуқароларга улашар эмиш.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: хўш, ўзи ижтимоий таъминот бўлими мулк эгасими ёки давлат бюджетидан фойдаланувчи ижрочими? Ундай бўлса қандай қилиб топилган маблағни тежаяпти? Ахир республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар тўлаётган турли хил тўловлар миқдорида умумий даромадларнинг қанча эканлиги маълум-ку! Худди шу тўловлар почта алоқаси тармоғининг ҳам зиммасида бор.

Тўғри, биз республиканинг ниҳоят оғир аҳволдаги бюджетидан даромад яратиб, фаолият кўрсатаяпмиз. Дарвоқе, айнан шундай фаолият туфайли кўпчилик хизматларимиз текин. Бугун эса ижтимоий таъминот кичик корхонаси «донини олиб, сомонини алоқачиларга қолдирмоқчи». Бунинг устига алоқачилар кам маош олишса. Ҳозир энг кам ойлик маош ҳақидаги Президент Фармонини бажара олмай почтачиларга шартномавий ойлик тўланмоқда. Энди борини ҳам тортиб олиб алоқачиларни оиласи билан ишсиз қўйилса, бу қайси ижтимоий муҳофаза турига киради? Шу ҳақда Ижтимоий таъминот вазирлиги мутасаддилари ўйлаб кўрдиларми?

Ҳозир пенсия ва нафақалар тўловларининг тайинланиши ва тўланиши ҳам ижтимоий таъминот бўлими, ҳам алоқа ташкилоти томонидан назорат қилиняпти. Агар ижтимоий таъминот бўлими ўзи тайинлаб ўзи тўласа, унда мулкнинг (пулнинг) даҳлсизлигига ким кафолат беради? Алоқа хизматида эса тўловлар давлат банкидан олиниб, то нафақахўрга етказилгунча бўлган барча жараёнлар транспорт ва хавфсизлик чоралари билан таъминланган. Тўғриси, кимнинг хизмати афзал эканлигини буюртмачининг ўзи яхши билади.

Яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бу икки хизмат тармоғи фаолиятини ўрганиб чиқиб, «Пенсия ва нафақалар тўловларини алоқа вазирлигида қолдириш ҳақида» икки марта хат юборди. Бироқ ижтимоий таъминот ташкилотлари «Барибир ўз билганимдан қолмайман» қабилида иш тутиб, ўз «қўл бола» хизматларини тарғиб қилишда давом этмоқда.

Бизнингча, моддий бойлик яратмайдиган бундай кичик корхоналар фаолиятини чеклаш пайти келди. Зотан, бозор муносабатлари шароитида бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган, бировнинг «нонини туя қилиб берадиган» сохта корхоналар фойда келтириш ўрнига иқтисодиётга ҳам, фуқароларга ҳам анчайин зарар келтириши мумкин.

К. ЖУМАНОВ,
Чироқчи район алоқа боғлами бошлиғи, ХДП район кенгаши тафтиш комиссияси раиси.

КОНИМЕХДА ҚОРАКЎЛЧИЛАР КЕНГАШИ

● Навоий вилоятининг тўртта райони — Учқудуқ, бир миллион 650 мингдан мустақил республикамиз қисмини ташкил этади.

қоракўлчиликка ихтисослашган Томди, Конимех ва Нуротада зиёд қўй-қўзи боқиляпти. Бу қоракўлчилигининг учдан бир

Шу боис Конимех районида вилоят қоракўлчиларининг кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди. Унда асосан қоракўлчиликда йиғилиб қолган муаммолар, яйловлар маҳсулдорлигини яхшилаш, иқтисодий танглик даврида чўпонларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, 1991—92 йиллар чорва қишлови, баҳорги тўл олиш ва жун қирқими якунлари, ўтган ярим йилликдаги режалар бажарилиши ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Ушбу масалалар юзасидан вилоят қоракўлчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи А. Назаров маърузаси тингланди. Нотиқ Қизилқум кенгликларида қўйчиликни ривожлантириш, айниқса, маҳсулдор совлиқларни кўпайтириш кераклигини уқтирди. Бу ўринда йўл қўйилаётган камчиликлар, нуқсонларни тезроқ бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда қоракўлчилик хўжаликлари директорлари, бош мутахассислар, пешқадам қўйчивонлар сўзга чиқишиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш ишида жумҳурият Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири М. Исломов, сув хўжалиги вазири Р. Гиниятуллин, республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Н. Зулфиддинов, вилоят ҳокими А. Айдарқулов иштирок этишди ва қоракўлчиларни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб беришди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ҚОЗОҒИСТОНДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

● Қозоғистон Давлат хавфсизлик қўмитаси Миллий хавфсизлик қўмитасига айлантирилди.

Янги идора республика Президентига ҳисоб беради ва Олий Кенгаш назорати ишлайди. У айни пайтда прокурор назоратида бўлади ҳамда молиявий жиҳатдан Молия вазирлигига қарайди.

Қозоғистон, шунингдек, ўзининг ташқи разведкасини ҳам вужудга келтириш ниятидадир.

ЯНА ҲАЛОКАТ, ЯНА МОТАМ

● Шимолий Кавказ ҳарбий округининг «АН-12» самолёти Нахчивон — Ростов-Дон маршрути бўйлаб учиш учун осмонга кўтарилаётганида ҳалокатга учради.

Самолёт ичида Нахчивон гарнизони ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари бор эди. 34 кишидан 29 нафари ҳалок бўлди.

Ҳалокат сабабларини текшириш ва оқибатларини аниқлаш учун Россия Мудофаа вазирлиги комиссияси ўша жойга учиб кетди.

Борис Ельцин ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор этди. Ў фалокатзадаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ҳамма чоралар кўрилади, деди.

ЭҲТИЁТКОРЛИКМИ ЁКИ...

● Арманистон парламенти «Миллий иттифоқ» деб аталмиш муҳолифият блокининг таклифини рад этди.

Блок шу кунларда иш олиб бораётган сессия кун тартибига Тоғли Қорабоғ Республикасини таниш тўғрисидаги масалани киритмоқчи эди.

Олий Кенгаш Раиси бу соҳада муросага олиб келувчи мавжуд ҳужжатга амал қилиб туриш кераклигини эслатиб ўтди. Бу ҳужжатда Тоғли Қорабоғ Республикаси Озарбайжоннинг ажралмас қисми деб ёзилган барча расмий битимларни тан олмасликни кўзда тутади.

Ҳозирча муҳолифият парламентни бу масалани қайта кўриб чиқишга мажбур қила олмаяпти.

КЕСКИН ЧОРА

● Яқин орада Тожикистон Ички ишлар вазирлиги тузилмасида янги бўлима ташкил этилади.

У ғайриқонуний қуролли тузилмаларни қуролсизлантириш ва энг хавфли жиноятчиликка қарши кураш Бош бошқармаси деб аталади.

Бунга Президент Р. Набиевнинг қурол-яроғларни кўнгилли равишда топшириш зарурлиги ҳақидаги фармонлари бажарилмаётганлиги сабаб бўлди. Шу боис жумҳуриятда сиёсий вазият беқарорлигича қолмоқда. Янги бошқармада минг киши хизмат қилади.

ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИ СИЁСАТИ

● Исроилнинг Ицхак Рабин ҳукумати Иордан дарёсининг ғарбий соҳилдаги ва Ғазо ноҳиясидаги янги манзилгоҳлар қурилишига пул бермайди.

Янги уй-жой қурилиши вазири Бинъямин Бен-Элизер Исроил телевидениеси орқали сўзлаган нутқида шу гапни айтди. Бу лавозимни илгари эгаллаб келган Ариэл Шарон араблардан босиб олинган ерларни мустамлакага айлантириш соҳасидаги Исроил сиёсатининг ижодкори ҳисобланар эди.

ОШКОРА АЙБЛОВ

● Миср биринчи марта Ливия, Судан, Эрон ва Ироқни Миср Араб Жумҳурияти ҳудудида экстремизмни кенгайтиришга кўмаклашмоқдалар, деб ошкора айблади.

Бош вазир ўринбосари Юсуф Вали бу мамлакатлар Мисрдаги экстремистик ташкилотларга қурол-яроғлар етказиб бермоқдалар, деб таъкидлади. Улар, шунингдек, ёшларни жиноятчи гуруҳларга жалб қилмоқдаларки, бу фаслият мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилгандир.

АКУЛАДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

● Бразилиянинг Сан-Луис шаҳри пляжига акулалар ҳужум қилди.

Денгиз ваҳшийларининг ҳужуми оқибатида икки киши оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Уларнинг бири оёғидан жудо бўлган. Иккинчисининг эса қўлини кесиб ташлашга тўғри келди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталари хабарлари асосида тайёрланди).

КУН ТАРТИБИДА — ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАСИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида вилоятни ижтимоий-маданий ривожлантириш тадбирлари мажмуи қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишда шу тадбирлар қабул қилингандан буён ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Жумладан, вилоят марказида дорилфунун, Тошкентдаги икки институтнинг филиали очилди, 16710 ўқувчига мўлжалланган 47 та мактаб қурилди, уй боғчаларини ташкил этиш яхши натижа берди. Сўзга чиққанлар жисмоний тарбия ва спорт ишлари маблағ йўқлиги баҳонасида ўз ҳолига ташлаб қўйилганига эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШАББУСИ

● Андижон вилоят сув хўжалиги бошқармаси қошида ишбилармонлар ташаббуси билан эски биноларни таъмирланиб, уларда тикувчилик, дурадгорлик, сим тўр тўқиш ва бошқа цехлар очилди.

Усталар тут ва бошқа дарахт шоҳ-шаббаларидан гулдор панжаралар, ўқлов ва жўвалар, болта ва теша соплари, осма беланчаклар ясашмоқда. Ёғочни қайта ишлаш цехида тайёрланаётган эшик ва дераза, сўри, хонтахта, курсилар аҳолига арзон нархда сотиляпти.

(ЎзА).

Механизатор Тоҳиржон Умрзоқов Тўрақўрғон районидаги И. Набиев номли жамоа хўжалигида ўз ишига фидойилиги билан ном қозонган. У меҳнат қилаётган Муборакхон Маҳмудова бошлиқ бригада аҳли бу йил 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришни мақсад қилиб қўйган.

Айни кунларда бу ерда ғўза парвариши юксак агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда. Бунда моҳир механизаторнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

СУРАТДА: пешқадам механизатор Т. Умрзоқов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

• ТАДБИРКОР, ИШЛАР ҚАЛАЙ?

● БИР ИИЛДА ҚАД РОСТЛАГАН КОРХОНА

● МАҲСУЛОТ ДОВРУҒИ ВИЛОЯТДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚДИ

● ТРАНСПОРТДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ СИНЧКОВЛИК

● МУҒУЛИСТОН ГИЛМОЯ ВА ОҲАК СУРАМОҚДА

●ЦЕМЕНТ ТАИЁРЛАНА БОШЛАСА, ҚУРИЛИШ КУЛАМЛАРИ ҲАМ КЕНГАЯДИ, ДЕИИШМОҚДА БУХОРОЛИКЛАР.

ГРАФИТ-ганч комбинати директори лавозими бўшаб қолди. Шунда бу ишга район ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳамиджон Равшанов таклиф этилди. Кўп йиллардан буён қолоқлик ботқоғидан чиқолмай, иқтисодий инқироз жарлиги, ёқасига келиб қолган шундай корхонага раҳбарлик унча-мунча кадрнинг қўлидан келмаслигини кўпчилик яхши биларди. Бунинг устига шу лавозимда ишлашга ҳар ким ҳам розилик бериши амри маҳол эди.

Лекин, Ҳамиджон кўп иккиланиб ўтирмади. Ёш бўлса ҳам газ саноати қурилиши соҳасида анча тажриба тўплаган йигит, иқтисодий сиёсатдаги бурилишлардан хабардор мутахассис. Корхона иши яхшилаб олинса, маҳсулотининг тобора бозори чаққон бўлишини ҳам яхши билади. Ихтисосига кўра, муҳандис-энергетик: ишлаб чиқариш жараёнларини анча тез ўзлаштириши мумкин. «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади-ку, ахир», деб ўйлади Ҳамиджон.

Янги директор ишга келганидан бир йил ўтар-ўтмас корхона анча қаддини ростлаб олди. Вилоят қурилишлари сифатли оҳак, ганч ва бошқа тақчил материаллар билан бир маромда таъмин этила бошлади. Кўпчилик бинокорлик ташкилотлари раҳбарлари енгил нафас олишди. Маҳсулотнинг довруғи вилоят ҳудудидан чиқиб, республика бўйлаб ёйилди. Истеъмолчилар вакиллари директор қабулхонасида навбат кутадиган бўлиб қолишди. Когон-Қоровулбозор йўлининг чап ёқасида янги ишлаб чиқариш бинолари кўкка бўй чўза бошлади. «Молни миришкорга боқтир, кўмирни кавлаганга ёқтир», деб шуни айтишса керак-да! Ишлар юришиб кетди. Ҳар бир тадбир ҳисоб-китоб билан юритила бошлади.

Илгари комбинат майдаланган оҳактошни Қоровулбозордан автомобиль транспорти ёрдамида ташиб оларди. Ҳали ёнилғи арзонлик вақтидаёқ бир тонна хом ашё ташиш тўрт сўмга тушарди. Янги нархларда эса бунинг харажати қирқ сўмга етиб қолди. Ваҳолонки, корхонанинг ёнгинасидан темир йўл излари ўтган. Бироқ ҳозиргача транспортнинг бу беминнат воситасидан фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Ҳамиджон ҳисоблагич қуроли — калькуляторни қўлга олиб ҳисобласа, ҳар тонна хом ашё темир йўлда ташилганда атиги 35—40 тийинга тушар экан. Фақат шунинг эвазига корхона ўтган йили чорак миллион сўм маблағ тежаб қолди. Эндиликда комбинатда автомобиль транспорти хизматидан иложи борича кам фойдаланишга қарор қилинди. Ганч хом ашёси ҳам янги йилдан бошлаб темир йўл орқали ташила бошлади. Айни маҳалда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Корхона цехларидан хом ашё карьеригача бўлган масофада темир йўл шаҳобчаси қурилиши жадал суратда олиб борилмоқда. Унинг смета қиймати қирқ миллион сўм атрофида. Аммо бир неча йил мобайнида бу маблағ хом ашё ташиш таннархининг кескин пасайиши эвазига қопланиши шубҳасиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоби шундан далолат бермоқда.

Маҳсулот сифатли бўлгач, унинг харидори ҳам кўпаяр экан. Меҳнат жамоаси «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмасига аъзо бўлгач, хориждан ҳам хом ашё сўраб келувчилар чиқиб қолди. Мўғулистон Халқ Жумҳурияти билан дастлабки 500 тонна гилмоя, 600 тонна сўндирилмаган оҳак етказиб бериш хусусида шартнома тузилди. Бундан тушадиган валюта маблағи корхона цехларини таъмирлашга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сафарбар этиладиган бўлди.

Яқинда Ҳиндистон фирмаларидан бири билан ҳам ўзаро фойдали аҳдлашувга эришилди. Унга кўра, йилда 60 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона қурилади. Қурилиш муддати атиги 1,5 йил. Ҳозирча янги заводларни қайта тиклашга қарор қилишди. Чунки бу — фойдали тадбир. Чамалаб кўрилса, ҳозир бир тонна графит ишлаб чиқариш корхонага 800 сўмга тушмоқда. Агар бу маҳсулот углевод билан бойитилса, жаҳон бозорида нархи нақ 2—2,5 минг долларга тенг бўлади...

Ҳозир бунинг тадориги кўрилмоқда: зарур ускуналар изланмоқда. Аммо вақтни ғанимат билиб, Тошқазғон конида 20 минг тоннадан зиёд графит хом ашёси ғамлаб қўйилганини ҳам таъкидлаш керак. Шунингдек, бу ерда турли бўёқлар ишлаб чиқариш цехи очишга ҳам ҳозирлик кўриляпти. Бунга зарур ускуналар ўтган йилиёқ харид қилинган. Буни «Насиядан унгани, тегирмондан чиққани» деб аташади.

Комбинат цехларини кезиб чиқарканмиз, ажойиб ёш мутахассислар билан танишдик. Уларнинг аксарияти қобилиятли ўзбек йигитларидир. Масалан, муҳандис-технолог Ҳусниддин Ҳамидов, техник Ҳусниддин Ҳамидов, лаборант Ҳусниддин Ҳамидов... Ҳа, ҳаммаси ҳусниддин ҳамидов экан. Ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғини ўзлаштирган, ишнинг ҳар бир жабҳасини ўрганган, ишчиларнинг ишини ҳисобга олиб, ҳар бирининг ишини ҳисобга олиб, ҳар бирининг ишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғини ўзлаштирган, ишнинг ҳар бир жабҳасини ўрганган, ишчиларнин

Халқ аёлдан бошланади

— Рўзномада «Халқ аёлдан бошланади» деган рукн очидик. Шунга қандай қарайсиз?

— Хайрли, савобли иш бошлабсизлар. Аёл чиндан ҳам ҳаётнинг боши, миллат онаси. Лекин бу оиланинг ҳамма юкини хотин-қизлар зиммасига ташлаб қўйиш, ҳамма нарсани хотин-қизлардан талаб қилиш дегани эмас. Болалар тарбиясида, улар онгига миллий урф-одатлар, анъаналаримиз руҳини сингдиришда эру хотин баббаравар ҳисса қўшиши керак. Афсуски, жамиятимизда энг қийин жараён — тарбия иши фақат аёллар елкасида қолиб келмоқда. Ҳаётнинг асосий қисмини ишда ўтказаётган оналар эса бунга улгуролмаяптилар, чидаш беролмаяптилар. Биз кекса авлод ота-оналаримиздан болаларимизга бераётганимиздан кўра кўпроқ яхшилик кўрганмиз. Демак, аждодларимиз бизга кўп нарса қолдирганлар. Нега шундай бўлган?! Бу ўзига хос ўрганиш керак ва бир даврда яшаган, бирга ишлашганим ва баъзиларини яқиндан таниганим, оилавий бордикелди қилганим билан беҳад фахрланаман.

Хрушчев даврлари эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг секретари сифатида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев ишини қайта кўриб чиқиш масаласи бўйича Москвага отландим. Маслаҳатчим Мусаев билан Хадича Сулаймоновани ўзим билан бирга олиб кетгандим. Собиқ СССР Бош прокурори Руденко Хрушчевнинг топшириғи билан шу масала бўйича шуғулланаётиб, Сулаймонова билан ҳам суҳбатлашганди. Бир пайт у менга:

— Ҳамма ўзбечкалар ҳам унга ўхшайдиларми? — дея сўраб қолди...

Фикримча у Хадичахоннинг ҳуқуқ-тартибот қонун-қоидаларини пухта билиши, кенг дунёқараши, маънавий оламининг бойлигига қойил қолганди. Очиғини айтсам, бу баҳо ўзбек қизи Хадичахон ҳақидаги фикрларимни янада ойдинлаштирди, мени ифтиҳор туйғусига буркади. Чиндан ҳам у етук олима эди. Ўзбек ва рус тилларидан ташқари яна тўрт-беш тилни мукаммал биларди. Чет элларда уни ҳайрат билан эшитишарди. Хадича Сулаймонова республика Адлия министри лавозимида ҳам хайрли ишларга қўл урди. Ҳуқуқшунослик қонунларини қайтадан тузиш комиссиясининг раиси этиб тасдиқланганди. У бу борада ҳам катта иш бошлаб юборганди. Афсус, бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Раққоса Мукаррама Турғунбоева ҳақида ҳаяжонланмай гапиролмайман. Ўтолов эди у. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Алишер Навоий номли Катта театрда Ўзбекистонга гастролга келган «Березка» концерт берарди. Меҳ халқ санъаткори Мукаррамахоним билан ёнма-ён ўтирардим. У томошадан шу қадар илҳомландики, «биз ҳам шундай бир ансамбль тузсак» деб орзу қиламан, деди. Мен маъқул дегандек, мамнун жилмайдим. Эртасигаёқ уйимга келди. Қўлида 17 та раққоса қизнинг рўйхати. Ишни бошлаб юборди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ансамблнинг номини «Баҳор» деб шоир Камтар таклиф этганди. Бу Мукаррамахонга ҳам, раққосаларга ҳам, қолаверса бизга ҳам маъқул бўлди. «Баҳор» Ўзбекистонни дунёга танитди. «Баҳор» рақс санъати тарихининг янги даврини бошлаб берди.

Тамарахонимчи? — 1934 йилда Лондонда концерт берди. Инглиз, француз тилларида ашула айтиб, рақсга тушганида лордлар ҳайрат бармоқларини тишлашган. У билан миллионерлар рақсга тушган, қиролича қизи билан келиб, унинг рақсларини тамоша қилган.

Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Назира Аҳмедова, Розия Каримова ҳақида ҳам шундай илиқ хотираларим бор. Улар ўзбек санъати тарихида жуда катта давр яратган истеъдод эгаларидир. Ҳар қандай ҳужумга қалқон бўлиб, санъатимизни асраб қолган фидойилардир.

Халқ шоираси Зулфияхоним билан ҳақли равишда фахрланмоқ жоиз. 1944 йил Ҳамид Олимжон фожиали ҳалок бўлди. Бир кечада шоиранинг сочлари оппоқ оқариб кетганди. Иродали аёл экан, йиқилмади. Дунё кезди, дунёвий шеърлар ёзди. Шеърларидан уч-тўрттасини ёддан ҳам биламан. Осиё ва Африка ёзувчиларининг I съездини очиш шарафига мушарраф бўлган. Барҳаёт сиймолар — Неру ва унинг қизи Индира Ганди билан юзма-юз суҳбат қурган. Унинг қалб нидоси — «Мушоира» эл оғзига тушган.

Бугунги мустақиллик жараёни ана шундай кўтаринкилик, фидойиликка жуда-жуда муштоқ. Санъат, адабиётни янада кўтариш керак. Зиёлилар ишлайдиган, ишлаганда ҳам бутун ақл-заковатини, қудратини ишга солиб ишлайдиган вақт келди.

— Ўқувчиларимизга онлангиз аъзолари ва аёлингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ҳаёт тақозоси билан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида бўлдим. 21 араб мамлакатидан 17 тасини кўрдим, яшадим, 20 йил Москвада ишладим ва ҳамма вақт аёлим менга йўлдош бўлган. Умр ўртоғим — Мукаррамхон билан мактабдошмиз. 1938 йилда турмуш қурдик. Шунда мени Бухорога ишга юборишди. Дастлаб ижарада яшадик. Кейин ўша ердан Улуғ Ватан урушига жўнаб кетдим. Урушдан қайтсам Мукаррам медицина техникумини ўқиб, тугатибди. Артелдан уйга дўппи олиб келиб тикиб, онам билан отамни боқибди. Шундай қилиб, уларни урушдан омон-эсон олиб чиқибди. Бунинг учун ундан бир умр миннатдорман. Кейин уни медицина институтига киритиб қўйдим. Шу орада мени Наманганга ишга йўллашди. Ўша ерда катта қизим Санобар туғилди. Хотинимнинг ўқиши қолиб кетди. Москвада ишлаганимда ҳам Москва медицина институтига қайтадан имтиҳон топшириб, ўқишга кирди. Оилавий сабаблар билан уни битира олмай, қолиб кетди. Арабистонда яшаганимизда араб тилини қунт билан ўрганди. У ерда хотин-қизлар жамиятига раҳбарлик қилди. Кўнгилчан, одамларга меҳрибон аёл. Уруш вақтлари эвакуация қилинган ота-онасиз болаларни, шунингдек, урушда ҳалок бўлган акаси болаларини ҳам боққан. Бир аёл бўлса шунчалик бўлади-да. Бахтли одамман, негаки менга фидойи аёл билан ёнма-ён яшаш насиб этди. Ҳаётимдаги энг эзгу ишлар учун ундан умрбод қарздорман.

Фарзандларимни жуда-жуда яхши кўраман. Улардаги дунёвий билимларга ташналикни қадрлайман. Санобар, Муҳаббат, Гавҳар, Саида, Алишер... Ҳар қайсиси икки-уч тилни мукаммал билишади. Умрлари муттасил ўқиш билан ўтаяпти.

— Улар тарбиясида армонингиз борми?

— Бор. Ватандан йироқда ўтган 10 йиллик чет эл, 20 йиллик Москва ҳаёти, табиийки, эл-юртимиз маданияти, тили, урф-одатларидан узилиб қолишимизга сабабчи бўлган. Мана энди бу ўз асоратини кўрсатяпти. Фарзандларим Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиётини қунт билан ўрганишмоқда.

Аминманки, ўзбекман деб фахрланган ҳар бир фуқаро бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак.

Суҳбатдош Дилбар МАҲМУДОВА.

БАХТЛИ ОДАММАН, НЕГАКИ...

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЖАМОАТ АРБОБЛАРИДАН БИРИ НУРИДДИН АКРАМОВИЧ МУҲИДДИНОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

бўлган масаладир.

— Совет тузуми хотин-қизларга нима берди?

— Тарихни инкор этиб бўлмайди. Ҳар бир ўтган куннинг, йилларнинг ўзига хос яхши, ёмон жиҳатлари бўлади. «Ҳужум» ҳаракати ҳар қандай камчиликдан қатъи назар ўша даврнинг катта тарихий воқеасидир. У юртимизга ҳурлик шабадаларини олиб кирди. Саводхонликка даъват этди. Хотин-қизлардаги ички имкониятлар, қобилиятларнинг куртак ёзишига имконият яратди.

Бу даврнинг хотин-қизлари, хусусан, ўзбек аёллари қисматидаги асоратлари ҳам талайгина. Аёл аёллигини, оналигини унутди. У ишчи кучи, машинага айланди. Кетмон билан ишлаётганимизга тўрт минг йил бўлган бўлса, совет тузуми давридагина кетмон қишлоқ аёлининг қисматига айланди. Кўпроқ кетмон чопган аёл тақдирланди. У озодлик, тенглик тимсоли сифатида шарафланди. Қишлоқ аёли чўлу биёбонларни, водийларни жаннатмаконга айлантирди. Ўзи эса аёллик латофати, чиройи, соғлигини йўқотиб бораверади. Илғор теримчи, илғор соғувчи дея мақтадигу, лекин унинг асосий вазифасини қўлидан тортиб олдик. Болаларимиз давлат боғчаларида она меҳрига қонмай ўсдилар. Бу уларнинг тарбиясига, наслига жиддий таъсир кўрсатди.

Энг ёмони шундаки, биз тарихга, жумладан, ўзбек хотин-қизлари тарихига 1917 йилдан эътиборан қарашга ўргатилдик. Аслида бизнинг кўҳна тарихимиз узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадим-қадимдан хотин-қизлар эркаклар билан баббаравар эл-юрт хизматида бўлганлар. Бунга мисоллар кўп.

Муҳаммад пайғамбаримиз Арофат тоғида душмандан қочиб, жон сақлаб юрганларида у кишининг ғояларини эл ўртасида рафиқалари Хадича тарқатиб юрган. Хадича бегимнинг пайғамбаримизга хизматлари ва нафлари кўп синган.

Бундан икки минг икки юз йил муқаддам ипак йўлидаги курашларда Дукчи эшон аскарлари орасида хотин-қиз отрядлари ҳам бўлган. Бунда ҳатто ҳомиладор, эмизикли аёллар қорабайир, арғумоқларга миниб душманни ўз юртларидан қувганлар. Тўмарис қаҳрамонликлари тилларда достон бўлган. Халқ достонларидаги хотин-қиз қаҳрамонлар заковатли шахс сифатида куйланганлар. Буюк Алишер Навоий Ширин, Лайли, Дилором образлари орқали на фақат чин муҳаббат, вафодорликни, балки заковатли, баркамол аёллар тимсолини тараннум этган. Улар орқали халқлар дўстлигини ҳам куйлаган.

Шоира Нодирабегимни олайлик. Хон Умархондан кейин тахтга 12 ёшли Алихон ўтиради. Аслида давлатни унинг онаси Нодирабегим идора қилган.

Баъзи майбаларга қараганда қадим тарихимиздан маълум ва машҳур бўлган 43 ўзбек хотин-қизларининг муборак номлари маълум. Улар орасида юқорида номлари тилга олинган шоира-ю, мусаввиралар, олималар ҳам бор.

— Ўзбек аёллари ҳақида қандай фикрдасиз, улар ҳақидаги ёрқин хотираларингиздан гапириб берсангиз?

— ...Ўзбек аёллари. Уларнинг ажойиб вакилалари билан бир даврда яшаганим, бирга ишлашганим ва баъзиларини яқиндан таниганим, оилавий бордикелди қилганим билан беҳад фахрланаман.

Хрушчев даврлари эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг секретари сифатида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев ишини қайта кўриб чиқиш масаласи бўйича Москвага отландим. Маслаҳатчим Мусаев билан Хадича Сулаймоновани ўзим билан бирга олиб кетгандим. Собиқ СССР Бош прокурори Руденко Хрушчевнинг топшириғи билан шу масала бўйича шуғулланаётиб, Сулаймонова билан ҳам суҳбатлашганди. Бир пайт у менга:

— Ҳамма ўзбечкалар ҳам унга ўхшайдиларми? — дея сўраб қолди...

Фикримча у Хадичахоннинг ҳуқуқ-тартибот қонун-қоидаларини пухта билиши, кенг дунёқараши, маънавий оламининг бойлигига қойил қолганди. Очиғини айтсам, бу баҳо ўзбек қизи Хадичахон ҳақидаги фикрларимни янада ойдинлаштирди, мени ифтиҳор туйғусига буркади. Чиндан ҳам у етук олима эди. Ўзбек ва рус тилларидан ташқари яна тўрт-беш тилни мукаммал биларди. Чет элларда уни ҳайрат билан эшитишарди. Хадича Сулаймонова республика Адлия министри лавозимида ҳам хайрли ишларга қўл урди. Ҳуқуқшунослик қонунларини қайтадан тузиш комиссиясининг раиси этиб тасдиқланганди. У бу борада ҳам катта иш бошлаб юборганди. Афсус, бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Раққоса Мукаррама Турғунбоева ҳақида ҳаяжонланмай гапиролмайман. Ўтолов эди у. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Алишер Навоий номли Катта театрда Ўзбекистонга гастролга келган «Березка» концерт берарди. Меҳ халқ санъаткори Мукаррамахоним билан ёнма-ён ўтирардим. У томошадан шу қадар илҳомландики, «биз ҳам шундай бир ансамбль тузсак» деб орзу қиламан, деди. Мен маъқул дегандек, мамнун жилмайдим. Эртасигаёқ уйимга келди. Қўлида 17 та раққоса қизнинг рўйхати. Ишни бошлаб юборди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ансамблнинг номини «Баҳор» деб шоир Камтар таклиф этганди. Бу Мукаррамахонга ҳам, раққосаларга ҳам, қолаверса бизга ҳам маъқул бўлди. «Баҳор» Ўзбекистонни дунёга танитди. «Баҳор» рақс санъати тарихининг янги даврини бошлаб берди.

Тамарахонимчи? — 1934 йилда Лондонда концерт берди. Инглиз, француз тилларида ашула айтиб, рақсга тушганида лордлар ҳайрат бармоқларини тишлашган. У билан миллионерлар рақсга тушган, қиролича қизи билан келиб, унинг рақсларини тамоша қилган.

Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Назира Аҳмедова, Розия Каримова ҳақида ҳам шундай илиқ хотираларим бор. Улар ўзбек санъати тарихида жуда катта давр яратган истеъдод эгаларидир. Ҳар қандай ҳужумга қалқон бўлиб, санъатимизни асраб қолган фидойилардир.

Халқ шоираси Зулфияхоним билан ҳақли равишда фахрланмоқ жоиз. 1944 йил Ҳамид Олимжон фожиали ҳалок бўлди. Бир кечада шоиранинг сочлари оппоқ оқариб кетганди. Иродали аёл экан, йиқилмади. Дунё кезди, дунёвий шеърлар ёзди. Шеърларидан уч-тўрттасини ёддан ҳам биламан. Осиё ва Африка ёзувчиларининг I съездини очиш шарафига мушарраф бўлган. Барҳаёт сиймолар — Неру ва унинг қизи Индира Ганди билан юзма-юз суҳбат қурган. Унинг қалб нидоси — «Мушоира» эл оғзига тушган.

Бугунги мустақиллик жараёни ана шундай кўтаринкилик, фидойиликка жуда-жуда муштоқ. Санъат, адабиётни янада кўтариш керак. Зиёлилар ишлайдиган, ишлаганда ҳам бутун ақл-заковатини, қудратини ишга солиб ишлайдиган вақт келди.

— Ўқувчиларимизга онлангиз аъзолари ва аёлингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ҳаёт тақозоси билан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида бўлдим. 21 араб мамлакатидан 17 тасини кўрдим, яшадим, 20 йил Москвада ишладим ва ҳамма вақт аёлим менга йўлдош бўлган. Умр ўртоғим — Мукаррамхон билан мактабдошмиз. 1938 йилда турмуш қурдик. Шунда мени Бухорога ишга юборишди. Дастлаб ижарада яшадик. Кейин ўша ердан Улуғ Ватан урушига жўнаб кетдим. Урушдан қайтсам Мукаррам медицина техникумини ўқиб, тугатибди. Артелдан уйга дўппи олиб келиб тикиб, онам билан отамни боқибди. Шундай қилиб, уларни урушдан омон-эсон олиб чиқибди. Бунинг учун ундан бир умр миннатдорман. Кейин уни медицина институтига киритиб қўйдим. Шу орада мени Наманганга ишга йўллашди. Ўша ерда катта қизим Санобар туғилди. Хотинимнинг ўқиши қолиб кетди. Москвада ишлаганимда ҳам Москва медицина институтига қайтадан имтиҳон топшириб, ўқишга кирди. Оилавий сабаблар билан уни битира олмай, қолиб кетди. Арабистонда яшаганимизда араб тилини қунт билан ўрганди. У ерда хотин-қизлар жамиятига раҳбарлик қилди. Кўнгилчан, одамларга меҳрибон аёл. Уруш вақтлари эвакуация қилинган ота-онасиз болаларни, шунингдек, урушда ҳалок бўлган акаси болаларини ҳам боққан. Бир аёл бўлса шунчалик бўлади-да. Бахтли одамман, негаки менга фидойи аёл билан ёнма-ён яшаш насиб этди. Ҳаётимдаги энг эзгу ишлар учун ундан умрбод қарздорман.

Фарзандларимни жуда-жуда яхши кўраман. Улардаги дунёвий билимларга ташналикни қадрлайман. Санобар, Муҳаббат, Гавҳар, Саида, Алишер... Ҳар қайсиси икки-уч тилни мукаммал билишади. Умрлари муттасил ўқиш билан ўтаяпти.

— Улар тарбиясида армонингиз борми?

— Бор. Ватандан йироқда ўтган 10 йиллик чет эл, 20 йиллик Москва ҳаёти, табиийки, эл-юртимиз маданияти, тили, урф-одатларидан узилиб қолишимизга сабабчи бўлган. Мана энди бу ўз асоратини кўрсатяпти. Фарзандларим Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиётини қунт билан ўрганишмоқда.

Аминманки, ўзбекман деб фахрланган ҳар бир фуқаро бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак.

Суҳбатдош Дилбар МАҲМУДОВА.

СПОРТ

ОЛИМПИАДАЧИ ЮТУҒИ

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси олимпиадачилари йирик анжуманга ҳозирланиб туришибди.**

Барселона олимпиадасида иштирок этувчилар орасида тошкентлик енгил атлетикачи Виктор Зайцев ҳам бор. У олимпиадаолди мусобақасини Лондондан «Ґран-при Мобиль» соврини учун баҳсда иштирок этиш билан якунлади. Спортчимиз найза улоқтиришда 85 метр 64 сантиметрли маррани эгаллаб, ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

ЖАМОА ҲИСОБИДА

● **МОСКВАДА велопойга бўйича ўтказилган МДҲ чемпионати якунланди.**

Велотрек майдонида ўтказилган бу мусобақада тошкентлик Александр Зайцев совринли ўринлардан биринчи эгаллади. Мусобақа якунида республикамиз пойгачилари жамоа ҳисобида учинчи ўриннни эгаллашди.

ОСИЁ КУБОГИ

● **ҚОЗОҒИСТОН ва Ўрта Осиё республикалари ўртасида футбол бўйича «Осиё» кубоги учун яна бир учрашув бўлиб ўтди.**

Туркманистон терма жамоаси тожикистонлик футболчиларни қабул қилди. Бу учрашувда томонлар дарвозага учтадан тўп киритдилар. Бугун эса Қозоғистон ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида учрашув бўлади. Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоасининг устози Рустам Акрамов қуйидаги ўйинчилар билан учрашув ўтказишни мўлжалламоқда: А. Жабборов, А. Раҳимов, В. Макаров, М. Билолов, У. Рўзимов, А. Тихонов, Г. Денисов, А. Дўрмонов, А. Пятницкий, М. Қосимов, О. Синелобов, Н. Хасанов, О. Усмонхўжаев, И. Шарипов, Р. Бозоров, А. Абдураимов, Р. Абдуллаев, Р. Дўрмонов, С. Ҳодиев. Терма жамоамизга омад тилаймиз.

ОТЛАР НИМА БЎЛАДИ!

● **БАРСЕЛОНА олимпиадаси ташкилотчилари спортчи ва меҳмонларни жойлаштириш муаммосини ҳал қилмоқда.**

Маълумки, Сеул олимпиадасида 350 от, 250 чавандоз иштирок этган эди. От спорти халқаро уюшмаси Барселонада ҳам шунча от ва чавандоз бўлишини мўлжалламоқда. Лекин, олимпиада ташкилотчилари чавандозларга жой топиларку, отларни нима қиламиз, деб туришибди.

Гавҳар Йўлдошева Гурлан районидаги 14-ўрта мактабда аъло баҳоларда ўқиш билан бирга бўш пайтларида рақс санъати билан ҳам шуғулланади. У кўпгина кўрик-танловлар ғолиби. Яқинда ёш санъатсевар Ўзбекистон иқтидорли ёшлар 1-слётида қатнашиб, фахрли биринчи ўриннни эгаллади.

СУРАТДА: Гавҳар Йўлдошева.

Суреткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ЖАРЧИНОМАСИ

«ШАЙХ» САВДО УЙИ

Корхоналар раҳбарлари, таъминот хизмати бошлиқларини ҳар ҳафтада бўладиган фоизсиз савдо-сотиқларга таклиф этади.

«Шайх» Ўзбекистон машинасозлик комплексининг 150 йирик заводларини ўзида бирлаштирган «Сельхозмаш» концерни билан тўғридан-тўғри ҳамкорликда ишлайди.

«Шайх» савдо уйининг компьютер тармоғи: Модем коммуникация ёрдамида абонентларга ахборот хизмати кўрсатиш.

«Шайх»: Тошкент биржаси, AVEX (Москва) биржаси ва МҲД нинг 40 та биржаларида брокерлик хизматини кўрсатади.

«Шайх»» Савдо уйи — Урал минтақалараро товар-фонд биржаси вакилидир. Ўзбекистон ва Россия (Москва, Брянск, Новгород) ишлаб чиқарувчилари билан олиб бориладиган мустаҳкам алоқалар ўн мингдан зиёд турдаги кенг ассортиментли молларга эга бўлишга кафолат беради. Чекланмаган миқдорда ёғоч-тахта, металл, полиэтилен, машина ва механизмлар, чет элда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари мавжуд.

Тошкентдаги телефонлар: (3712) 67-73-90, 33-11-75.

Модем Lexand 689948, факс (3712) 689314, телекс 116426 UNONA SU.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБУОТЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича Шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90Х120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар:

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг. Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрлаш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

ДЕҲҚОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАДИ

ПИШИҚЧИЛИК ДАМЛАРИ БОШЛАНДИ. МАЙИЗ, ТУРШАК, ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ,

МАРҲАМАТ!

«Агроэффект» илмий-техника жорий этиш маркази ташкилотлар ва шахсий кишиларга юқори самарали кўчма қуритиш мосламаларини етказиб беради.

Мева-сабзавот қуритиш камералари хом ашё миқдорига қараб икки хил: «УМ-1,0» бир тонна ҳамда «УМ-1,5» бир ярим тонна маҳсулотга мўлжалланган мосламалар.

ЗАРАР ҚИЛМАЙСИЗ.

Бир ярим ойдаёқ барча харажатларингиз қопланади. Фурсатни бой берманг.

МАНЗИЛИМИЗ: М. Горький шоҳ кўчаси, 32«а»-уй, 6-қават. «ЎзинГаз» кичик корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 35-11-87, 35-71-01; 67-84-80; 67-29-19.

КВАРТЕТ

ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯСИ

эркин кредит ресурсларини банк ёки сугурта компаниялари кафолати билан қабул қилади (кредитларнинг қиймати ва муддатига қараб).

БОЗОР КУРСЛАРИДА

Ташкилотлар ва алоҳида шахслардан нақд ҳамда пул ўтказиш йўли билан валюта сотиб олади. БИЗНИНГ ИККИНЧИ НОМИМИЗ - КАФОЛАТДИР!

Телефонларимиз: (095) 902-27-63, 593-62-13. Тел\Фах (095) 2154906.

КВАРТЕТ

САВДО УЙИ

ЭРКИН МУОМИЛАДАГИ ВАЛЮТА ВА СЎМЛАРГА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ.

Оргтехника: "Olivetti ETP55" ёзув машиналари; "Canon", "Olivetti" кўчириш аппаратлари; шахсий компьютерлар; алоқа жиҳозлари (Ўзбекистонга 30 донадан кам бўлмаган партия жўнатилади); "Sledgers" (Франция) юқори сифатли пойабзаллар; чет элда тайёрланган хона мебеллари.

Автомобиллар: "КамАЗ", "ЗИЛ"; ГАЗ "Волга" 2410,2412,31029; ВАЗ "Жигули" 2103, 21099; "Нива-2121"; "УАЗ" 31512, 3741, 3303; "Москвич-21415"; "РАФ-2203" кичик автобуси.

Бизнинг телефонларимиз: (095) 215-49-06, 902-27-63, 593-62-13

ИШБИЛАРМОН ҲАМКОРЛАРГА ҒАРБ ФИРМАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚИСКА МУДДАТЛАРДА СЎМЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ.

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА

исталган тип ва навдаги пахтангизни СОТИБ БЕРАМИЗ ҳамда ОЛИБ БЕРАМИЗ. Республикадан ташқарига чиқариш учун руҳсат олишга КЎМАКЛАШАМИЗ.

Бизнинг телефон: (3712) 39-11-10.
Телефакс 33-72-58

"ДЭЛОС"

Ташкилот келишилган нархларда ЛХ -- 44 ипини сотади.

Ҳар ғалтагида 2500 метр.
Телефон Санкт-Петербургда:
(812) 394-19-50, 393-31-24

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва нафас олиш йўллари кафедраси жамоаси кафедра профессори С. А. Ҳасановга онаси

Тожи МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сайр ва саёҳат Ўзбекистон жумҳурият кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродовга онаси

Зайнаб ДАНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи жамоаси трикотаж технологияси кафедрасининг собиқ ўқитувчиси

Дилбар МИРЗАРАҲМЕТОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи Р. Жамоловга отаси

Мурот ЖАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; баҳс-тортиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г—217. № 139.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.45. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.